


ХИТОЙ ИНТЕРНЕТ-ЛЕКСИКАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ХУСУСИДА

 10.24412/2181-1784-2021-1-131-138

Мухамеджанова Ш.Б.

ТДШУ, хитой филологияси кафедраси ўқитувчиси
shahnozochka82@ mail.ru

***Аннотация.** Мазкур мақола Хитой Интернет-лексикаси ривожланишини таҳлил қилишга бағишланиб, тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги хитой тили янги лексикасини таҳлил қилиш лозимлиги билан белгиланади. Тил динамик тизим ҳисобланиб, унда доимо ўзгаришлар юз беради ва янги сўзлар пайдо бўлади. Мақоланинг мақсади – хитой тили Интернет-лексикасини комплекс тарзда кўриб чиқиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини баён этишдан иборатдир. Тадқиқотнинг асосий натижалари хитой Интернет-лексикаси ривожланишининг йўналишларини аниқлашдан иборат. Тадқиқот жараёнида Интернет-лексика таркиби аниқланди ҳамда Интернет-тилининг вужудга келиш воситалари белгиланди ва тармоқли мулоқот ривожланишининг келажакдаги йўналиши кўриб чиқилди. Тадқиқ этилаётган лексик бирликлар, мезонлар бўйича фоизли таркибини аниқлаш йўли орқали категориялар бўйича тақсимланди. Материаллар хитой тили интернет-лексика лугатини тузишда фойдали бўлиши мумкин.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Интернет-тил, Интернет-лексика, хорижий ўзлаштиришлар, ҳарфли сўзлар, рақамли комбинациялар.*

***Annotation.** This article is devoted to the analysis of the development of Chinese Internet lexicon, and the relevance of the research topic is determined by the need to analyze the new Chinese lexicon. Language is a dynamic system in which constant changes occur and new words appear. The purpose of the article is to comprehensively review the Internet vocabulary of the Chinese language and describe its specific features. The main results of the study are to identify trends in the development of Chinese Internet vocabulary.*

***Keywords:** internet-language, internet vocabulary, combinations, literal words, numerical combination.*

Ҳар бир тилда илмий-техник жараёнлар вақтида, унинг турли соҳаларида ўзгаришлар юз беради. Анча сезиларли ўзгаришлар тилнинг лексик тузилишида

кўзга ташланади: доимий янгиликлар ва бойиб бориш, жамият ҳаётидаги катта ўзгаришларнинг акс этиши, йирик ҳажмдаги янги тил бирликларини пайдо бўлиши. Инсон ҳаётида янги буюмларни вужудга келиши оқибатида, уни нутқда белгилаш муаммоси, ўзаро маданий коммуникацияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун уни бир тилдан иккинчисига таржима қилиш вужудга келади. Интернет пайдо бўлиши билан хитой жамиятида, жумладан, хитой тилида ҳам жуда кўп ўзгаришлар юз берди. Интернет таъсирида хитой тилида Интернет-тил шаклланди.

Бугунги кунда интернетдаги мулоқот тили доимий ўзгариб бориб, янада кўп янги сўзлар билан бойимоқда. Хитой ва ғарб маданиятининг қўшилиш жараёни, компьютер технологияларининг такомиллашуви, Интернетнинг асосий мулоқат коммуникацияси сифатида тарқалиши ва “ижтимоий тармоқ” форматида мулоқот учун дастурларнинг вужудга келиши муносабати билан хитой тилида, дастлаб айнан тармоқ коммуникациясида пайдо бўлган янги лексик бирликлар фаол ишлатила бошлади. Шу муносабат билан, интернет тили қандай қилиб хитой тилига таъсир этаётганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини намоён этади.

Хитой тилидаги интернет-лексикасида бошқа тиллардан, айниқса, инглиз ва япон тилларидан ўзлаштирилган жуда кўп сўзлар мавжуд. Интернет-лексикаси хитой тилининг омонимлиги хусусияти ва мавжуд сўзларнинг янги маъноларни пайдо бўлиши сабабли ҳосил бўлади. Интернет-лексикаси ҳарфлар билан ёзиладиган жуда кўп миқдордаги сўзлар ва сўз бирикмаларидан ташкил топган;

Хитой тили Интернет-лексикаси – бу асосан жуда мураккаб лексика.

Бундай ёндошувда тадқиқот мақсади хитой тилида интернет-лексиканинг вужудга келиши ва ривожланишини кўриб чиқиш ҳисобланади. Хитой интернет-тили лексик бирликларини кўриб чиқиш ва унинг шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини белгилашдан, интернет-лексикаси қандай қилиб хитой тилининг ўзини ривожланишига таъсир этишини аниқлашдан, мулоқот тилининг ривожланиш йўналишини очиқ беришдан иборат.

Ҳозирги вақтда жуда кўп олимлар хитой тилида интернет-лексикани ривожланиши ва унинг таъсирини тадқиқ этишга катта эътибор қаратмоқдалар. Тадқиқ этишга ёндашиш методологияси интернет-лексика ривожланишининг асосий йўналишини, тармоқдаги мулоқатнинг асосий воситаси сифатида англаш учун имкон беради. Масалан, Синьхуа интернет-тил луғати ёрдамида

хитой тилидаги замонавий интернет-лексикани аниқлашга ҳамда уни вужудга келиш йўллари белгилашга эришилди.

Пайдо бўлиш усули бўйича интернет-лексика лексик бирликларининг тавсифини тузиш ёрдамида, ягона принцип бўйича турли ҳодисаларни бирлаштирувчи тизимларни тузиш орқали Интернет-лексиканинг лексик бирликларини тартибга солишга муяссар бўлинди. Интернет-лексиканинг суффиксация ва префиксация каби лексик бирликларини вужудга келишининг бундай усуллари тадқиқ этишда, биз Интернет-тилнинг лексик бирликларини пайдо ҳосил қилиш моделларини аниқлаш учун моделлаштириш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мисол учун, 2946 лексик бирликлардан иборат “Синьхуа” Интернет-тили луғатининг таҳлил қилиш ишларида, бу бирликлардан 827 та лексик бирликларни ҳарфли сўзлар (28,2 %) ташкил қилиши, 482 та лексик бирликларни рақамли сўзлар ва сўз бирикмалари (16,3 %), 1637 тасини иероглифлар билан ёзилган лексик бирликлар (55,6 %) ташкил этиши аниқланди.

Хитой тилининг интернет-лексикасининг энг катта қисмини иероглифларида ёзилган сўзлар ташкил қилади. Иероглифларда ёзилган 1637 та сўзлардан 94таси – бир бўғинли сўзлар (5,7 фоиз), 776таси – икки бўғинли сўзлар (47,4 фоиз), 767таси – уч ва ундан ортиқ бўғинли сўзлардан (46,9 фоиз) иборат. Иероглифларда ёзилган лексик бирликлар орасида кўп бўғинли сўзлар устунликка эга.

Охириги вақтларда хитой тилининг интернет-лексикасида 巨 jú каби равиш даражасидан фойдаланиш жиҳатлари учраб турмоқда, масалан:

巨困- jú júǒng – жуда хафа, ғамгин

巨搞笑- jú giàoxiào – жуда кулгили

巨漂亮- jú piàoliang – жуда чиройли

暴 bào

暴强悍- bào qiànghàn – жуда қўпол, қўрс

暴笑- bào xiào – жуда кўлгили

暴强- bào qiàng – жуда кучли

Мазкур равишлар интернетда етарли даражада кенг тарқалган. Гапимиз тасдиғи сифатида мисоллар бериб ўтамыз. Масалан, ундов сўзлардан фойдаланишга мойиллик ҳам ортиб бормоқда, масалан:

切 - qiē – эътиборсизлик, нафратланиш: 切, 这种人谁理会呀! - Qiē, zhè zhǒng rénshuí lihuì ya! – Ким бунақа одамларга эътибор беради!

汗 - hàn – қийин аҳволга тушиб қолишни англатади: 汗, 在歌厅遇到老师啦! - Hàn, zài qēting yú bào làoshī la! – Эх, караокеда ўқитувчига дуч келиб қолдим!

Ундан ташқари, модал юкламанинг кўпинча кўлланилиши кузатилади, масалан, 滴 dī: 原来是这个样子滴 - Yuànlàì shì zhége yàngzi dī! – Мана қанақа экан!

Грамматик қоидаларга кўра, мазкур 滴 dī юкламаси кўпинча 的 de ва 地 de ўрнида ишлатилади. Хитой тили интернет-лексикасида лексик бирликларининг ҳосил бўлишида суффиксация ва префиксация ҳодисаси сермахсул ҳисобланиши аниқланиб, улар хитой тили интернет-лексикасида барча лексик бирликларининг ҳосил бўлишининг 67 фоизини ташкил этади.

Сўз ясалишида аффиксация масаласи бўйича дунё тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, хитой тилида аффиксациянинг рўли, сўз ясалиши тизимидаги ўрни ва маҳсулдорлиги аниқлаш масаласида ҳам хитой, хориж ва ўзбек хитойшунослари томонидан изланишлар олиб борилган. Хусусан, Лу Чживэй¹, Чжан Цзин², Ван Чао Юань³ каби хитой тилшунослари, В.И.Горелов, А.Л.Семинас, А.А.Хоматова каби рус хитойшунослари мазкур масаланинг асосан, хитой тили лексикологияси доирасида тадқиқ этишган. Ўзбек хитойшуносларидан С.А.Хашимова хитой тилида аффиксация масаласини монографик планда тадқиқ этган бўлса, С.А. Носирова томонидан мазкур сўз ясалиш усулининг ижтимоий-сиёсий терминологияда тутган ўрни юзасидан тадқиқот ва таҳлилларни амалга оширган, С.Т.Мустафаеванинг хитой тилшунослик терминлари тадқиқига бағишланган монографиясида аффиксация хитой тили лингвистик терминлари ясалишида маҳсулдорлиги юзасидан иккинчи ўринда турадиган усул сифатида эътироф этилган.

Хитой тили интернет-лексикасида лексик бирликларининг сўз ясовчи барча суффикслари орасида 族 - zú суффикси энг маҳсулдор ҳисобланади:

¹ Lu Zhiwei. “汉语的构词法” Beijing, 1957. – 160 ye.

² Zhang Jin. “Ju, cizu, juzi”. – Haerbing, 1984. – 220 ye.

³ 王赴阮..动词重叠研究方法. Beijing, 2003. – 64 页.

“Синьхуа” Интернет-тили луғатида бундай суффиксга эга сўзлар барча суффиксация йўли билан ҳосил бўладиган сўзларнинг 46 фоизини ташкил этади. Мазкур суффиксга эга сўзларнинг ишлатилишига мисол келтирсак:

裸考族 - luǒkǎozú – бирон бир дастлабки тайёгарликсиз имтиҳонга борувчилар.

Маҳсулдорлик бўйича кейинги ўринда 客 kè суффикси туради: “Синьхуа” интернет-тили луғатида бундай суффиксли сўзлар 34 фоизни ташкил этади. Мазкур суффиксга эга сўзларнинг ишлатилишига мисол: 测客 - cèkè – одамлар фикрини билиш мақсадида чатлар ва форумларда муҳокама қилиш учун мавзу ўйлаб топадиган одам.

Хитой тили интернет-лексикасида лексик бирликларини ҳосил қилиш учун 体 tǐ - суффикси ишлатилади (17%). Мазкур суффикс тармоқ мулоқатидаги маълум услубни билдиради, масалан, 蜜糖体 - mìtángtǐ тармоқ мулоқати услуби бўлиб, унда сўзловчи кўпинча турли хилдаги юкламалар, сўзларни ишлатади, кўпинча смайликлар ёзади ва ҳоказо. (蜜糖 mìtáng – асал).

Ундан ташқари, 党 dǎng - каби суффикслар учраб туради (10 %), масалан, PS 党 PS - Photoshop дастуридан кўпинча фойдаланадиган одамлар. 群 qún каби суффикс ҳам (2 %) ишлатилади, масалан, QQ 群 QQ - QQ дастуридаги гуруҳ чати ҳисобланади.

Луғатда префиксация воситасида сўз яшаш суффиксацияга нисбатан анча кам учрайди ва бундай сўзлар Луғатда келтирилган барча лексик бирликларнинг 37 % ташкил этади. Энг маҳсулдор префикс 被 bèi ва E ҳисобланади. 被 bèi префикси вазиятнинг чорасизлигини, иложсизлигини ифода этишда ишлатилади, масалан:

被就业 - bèijiúyè – ўзи хоҳламаган лавозимга ишга жойлашиш.

E префикси қуйидаги сўзларда учрайди:

E 产品 - Echānpǐn – электр товарлари, электроника

E 教室 - Ejiāoshì – мультимедия жиҳозларига эга хона.

Хитой тилининг интернет-лексикаси бошқа тиллардан, асосан инглиз ва япон тилларидан ўзлаштирилган сўзлар билан бойиб бормоқда. Масалан:

哈妮 - hānī – инглизча “honey”- ёқимли, дилбар

哈皮-hāpí – инглизча “happy” – бахтли

卡哇伊 - kāwāyī – японча “**” kawaii – ёқимли, дилбар

纳尼 - nàní – японча “なに” “nani” – нима? Сўзидан.

Бундай усулда ҳосил бўлган сўзлар 19 % ташкил этади.

Интернет-лексика хитой тилининг омонимиклиги туфайли ҳам тўлиб
бормоқда. Бундай усулда ҳосил бўлган сўзлар 14 % ташкил этади. Масалан:

幽香 сўзи 邮箱 – yóuxiāng сўзи ўрнига ишлатилади (почта кутиси)

斑竹 bānzhú сўзи -版主 bānzhú ўрнига ишлатилади (модератор).

Шундай қилиб, мазкур тадқиқот ишида хитой тили интернет-лексикаси
ривожланишидаги қуйидаги йўналишлари аниқланди:

Хитой тили интернет-лексикасидаги лексик бирликларнинг аксариятини
кўп бўғинли сўзлар ташкил этади.

Хитой тили интернет-лексикасидаги лексик бирликларнинг ҳосил
бўлишининг энг маҳсулдор воситаси префиксация ва суффиксация
ҳисобланади.

Тармоқдаги мулоқат тилига етарли даражада кўпгина бошқа тиллардан,
айниқса инглиз ва япон тилларидан ўзлаштиришлар кириб келган.

Замонавий интернет-лексика хитой тилининг омонимиклиги туфайли
юзага келган.

Тармоқдаги мулоқат жараёнида равиш даражаларини, ундовни ва
юкламаларни ишлатишга мойиллик пайдо бўлди.

Интернет тилининг замонавий лексикасини жуда катта миқдордаги ҳарфли
сўзлар ва рақамли комбинациялар ташкил этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хитой тилининг сўз бойлиги, дунёнинг
бошқа тиллари сингари, тилнинг ички имкониятлари ва чет тилидан
ўзлаштирилган сўзлар билан тўлдирилмоқда. Айнақса сўнгги йилларда ХХР да
мунтазам нашр этилаётган неологизм луғатлари ва ўзлашма сўзлар луғатлари
бунининг исботидир.⁴ Хитой олимлари Интернет-тилда лексик бирликларни

⁴Словарь буквенных слов китайского языка. Шанхай: Шанхай цышу чубаньшэ, 2001. (汉语字母词词典. 上海: 上海辞书出版社, 2001). Словарь неологизмов современного китайского языка. Шанхай: Шанхай цышу чубаньшэ, 2009. (现代汉语新词语词典. 上海: 上海辞书出版社, 2009). Словарь неологизмов китайского языка 2014 года. Пекин: Шаньу иньшугуань, 2015. (2014 汉语新词语. 北京: 商务印书馆, 2015). Цэнь Цисянь. Словарь иностранных заимствований китайского языка. Пекин: Шаньу иньшугуань, 2015. (岑麒祥. 汉语外来语词典. 北京: 商务印书馆, 2015)

пайдо бўлиш вазиятини “доимий портлаш” сифатида таърифлайдилар. Зеро бу ҳодиса ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, табиий ва ижтимоий илм-фанда, таълимда, кундалик турмушда ва ҳоказоларда юз бермоқда.⁵ Турли ҳисобларга кўра, ҳар йили 700-800та янги лексик бирликлар пайдо бўлиб, охириги йигирма беш йил мобайнида тахминан 20 минг янги сўзлар вужудга келди, бироқ, улар аслида камроқ бўлиши мумкин, чунки бу сўзларнинг бир қисми – бу маъноси ўзгарган эски сўзлардир.⁶ Янги сўзлар ва иборалар учун яратилган хитой луғатлари одатда 4700дан 10000гача луғат мақолаларини киритган.⁷

Е.С.Жолобова, А.Л. Семенас, А.А. Хаматова, Ли Шуцзюань, Янь Лиган ва М.В. Меркуловаларнинг кузатишларича, охириги вақтда хитой тили Интернет-лексикасида ҳарfli сўзлар, рақамли комбинациялар ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларни ишлатишга майллик кузатилмоқда.

Мазкур муаммо ҳозирги кунгача долзарб бўлиб, кўпгина олимларининг ишларида ҳамда илмий-публицистик журналларда ёритилиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Lu Zhiwei. Hanyude goucifa. – Beijing, 1957. 160 ye.
2. Zhang Jin. Ju, cizu, juzi. – Haerbing, 1984. 220 ye.
3. 王赴航..动词重叠研究方法. Beijing.2003. 64 页.
4. Словарь буквенных слов китайского языка. Шанхай: Шанхай цышу чубаньшэ, 2001. (汉语字母词词典. 上海: 上海辞书出版社, 2001)
5. Словарь неологизмов современного китайского языка. Шанхай: Шанхай цышу чубаньшэ, 2009. (现代汉语新词语词典. 上海: 上海辞书出版社, 2009)
6. Словарь неологизмов китайского языка 2014 года. Пекин: Шанью иньшугуань, 2015. (2014 汉语新词语. 北京: 商务印书馆, 2015) Цэнь Цисянь.
7. Хашимова С. А. “Особенности образования существительных при помощи аффиксов в современном китайском языке (на примере суффиксов 员, 夫, 师, 生.” Актуальные вопросы современной науки и образования. 82-85с.
8. Семенас А. Л. Особенности лексических заимствований в китайском языке // Вопросы языкознания. 1997. № 1.
9. “新华字典” Xinhua изоҳли луғати. <https://zidian.911cha.com/zi65cf.html>

⁵ Семенас А. Л. Особенности лексических заимствований в китайском языке // Вопросы языкознания. 1997. № 1. С. 48.

⁶ Семенас А. Л. Особенности лексических заимствований в китайском языке // Вопросы языкознания. 1997. № 1. С. 50.

⁷ Семенас А. Л. Особенности лексических заимствований в китайском языке // Вопросы языкознания. 1997. № 1. С. 57.

10. L.A .Sultanova Composition as A Way of Forming the Terms of Medical Instruments and Surgical Devices in Modern Chinese
11. Sh. B. Mukhamedjanova LINGUISTICAL STUDY OF CHINESE INTERNET LEXICOLOGY <http://dx.doi.org/10.21474/IJAR01/12496>
12. Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). THE ORIGIN OF AN OFFICIAL TURKIC STYLE AND ITS PLACE IN THE DEVELOPMENT OF A WRITTEN LITERARY LANGUAGE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 45-49.
13. Gosmanovna Ibatullina, D., Rafisovna Alikberova, A., & Abdullayevna Nasirova, S. (2019). Modern Linguistic Trends in the Japanese Language. *Journal of Research in Applied Linguistics*, 10(Proceedings of the 6th International Conference on Applied Linguistics Issues (ALI 2019) July 19-20, 2019, Saint Petersburg, Russia), 500-505.
14. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.
15. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10
16. AMANOV, K. (2015). THE MATTER OF DIVIDING AGES IN HISTORY OF TURKIC OFFICIAL METHOD. *Turkish Studies (Elektronik)*, 10(12), 57-68.
17. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).
18. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
19. Хашимова, С. (2020). НЕКОТОРЫЕ ГРАММАТИЧЕСКИЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УДВОЕНИЯ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура* (pp. 334-338).
20. Nadira, K. (2017). The problem in translation from Japanese to Uzbek in the novel" A Wild Sheep Chase"-Focusing on Politeness. *Literary Imagination*, 19(3), 760-771.